

Рұхиятшунос билан учрашув

☒ Институтимизнинг 2-талабалар турар жойида 4-қават қизлари билан тарбиячи - педагог А.Хайтова ва Д. Сагдуллаевалар ташаббуси билан институт психологи М. Мұхамедова билан ҳамкорликда психологик тренинг ўтказилди. Тренинг “Стресс ва унинг салбий эмотсияларни бошқариш” мавзууда бўлди.

Танишув (исмга мос хусусият танлаш) дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш “Қаламлар ўйини, самолёт ва шарлар ўйини орқали талаба қизларни бир-бирига бўлган меҳрини янада оширишга ундади”. Психолог М.Камолхоновна билан ўтказилган ушбу тренинг қизларда таассурот қолдирди. Бу психолог ўйинлар орқали талаба қизларимиз барча ғам ташвишларини унутиб болаларча беғуборлик оламига шўнғиди. Ушбу тадбирда бирор бир иштирокчи эътибордан четда қолмади. Дастур сўнггида СХТЕБ талабаси Г. Кўчқорова ва тарбиячи - педагог А.Хайтова миннатдорчилик билдириб, бу каби давра сухбатлари ва психологиг тренинглар тез-тез ўтқазилиб турилса мақсадга мувофиқ экани ҳақида та'кидлаб ўтишди.

2-ТТЖ тарбиячи педагоги Хайтова Азиза ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов